Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасига ОБУНА 64593 (нашр кўрсаткичи)
обуна сони
1995 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи
64593 (нашр кўрсаткичи)
"Ўзбекистон адабиёти ва санъати" (нашр номи)
обуна: баҳоси сўм; обуна сони
янги манзилга юбориш: баҳоси сўм
1995 йил учун (ойлар бўйича)

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

Қаерга
(почта кўрсаткичи) (манзил)
Кимга
(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

**Азиз муштарийлар!**

**"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"га обуна бўлишни унутманг.**

**Обуна баҳоси:**

бир йилга 174 сўм
олти ойга 87 сўм
уч ойга 43 сўм 50 тийин.

## Ўлмас Раҳимбекович УМАРБЕКОВ



Ўзбек адабиёти ва санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, республика Давлат мукофотининг лауреати Ўлмас Раҳимбекович Умарбеков узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг 60 ёшида вафот этди.

Ўлмас Умарбеков 1934 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Тошкент Давлат университетида таҳсил олди. Иш фаолиятини Ўзбекистон радиоси муҳаррирлигидан бошлади. Кейин бир неча йил Ўзбекистон Республикаси марказий раҳбар органларида масъул лавозимларда ишлади. "Ўзбекфилм" киностудиясининг директори вазифасида хизмат қилди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон маданият вазири ва Ўзбекистон Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари каби юксак лавозимларда фаолият кўрсатди.

Ўлмас Умарбеков ўзбек китобхонларига "Бобоёнғоқ", "Болгар қўшиқлари", "Кимнинг ташвиши йўқ" каби ҳикоялар тўплами билан танилди. Сўнг йирик насрий жанрларда қалам тебратиб, "Севгим — севгилим", "Дамир Усмоновнинг икки баҳори", "Ёз ёмғири" каби қиссалари, "Одам бўлиш қийин", "Фотима ва Зуҳра" романларини яратди.

Ўлмас Умарбеков атоқли драматург ва моҳир киносценарийчи эди. Унинг қаламига мансуб "Комиссия", "Қиёмат қарз", "Шошма, қуёш", "Кузнинг биринчи куни", "Ўз аризасига кўра", "Туҳмат" асарлари мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг театрларида саҳналаштирилиб, томошабинлар муҳаббатига сазовор бўлди.

У ўзбек миллий маданияти ва санъати ривожига салмоқли ҳисса қўшган катта истеъдод эгаси эди. Шу туфайли ҳам унинг бу соҳадаги хизматлари бир қатор юксак давлат мукофотлари билан тақдирланди.

Ажойиб инсон, атоқли санъаткор, қобилиятли ташкилотчи раҳбар Ўлмас Умарбековнинг ёрқин хотираси халқимиз ва адабиётимиз ихлосмандлари қалбида абадий яшайди.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ. А.МУТАЛОВ, И.ЖЎРАБЕКОВ, С.САИДҚОСИМОВ, Т.АЛИМОВ, Х.ЖЎРАЕВ, Э.ВОҲИДОВ, Э.ҲАЙИТБОЕВ, М.ҚАЮМОВ, Ж.КАМОЛ, А.ОРИПОВ.**

## Сарвар Олимжонович АЗИМОВ



Ўзбек адабиёти оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Сарвар Азимов узоқ давом этган касалликдан сўнг вафот этди.

Сарвар Азимов 1923 йилда Жиззах шаҳрида туғилди. Тошкент Давлат университетида таҳсил олди. У Ўзбекистон радио қўмитасида, Ўзбекистон Фанлар академиясида, турли давлат ва жамоат муассасаларида масъул вазифаларда ишлади. 1957—59 йилларда Республика маданият вазири вазифасида ишлади. Республика Министлар Совети раисининг ўринбосари, Ташқи ишлар вазири лавозимларида хизмат қилди. 1969—74 йилларда Ливанда, 1974—80 йилларда Покистонда элчи вазифаларида фаолият кўрсатди. 1980 йилда у Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг раиси этиб сайланди. Кейин Ташқи ишлар вазири лавозимини эгаллаб турди.

Сарвар Азимов эл орасида драматург ва адабиётшунос олим сифатида танилдидир. Унинг "Қонли сароб", "Замон драмаси", "Юлдузлар жамоли" драмалари саҳналаштирилган. "Кўзлари чўлпон" қиссаси нашр этилган. У кинодраматургияда ҳам қалам тебратган. Унинг сценарийлари асосида "Оппоқ тонг қўшиғи", "Ватан фарзандлари", "Ойдин саҳифалар" филмлари суратга олинган. Сарвар Азимов катта адабиётшунос олим, бир неча тадқиқотлар ва дарсликларнинг муаллифидир.

Сарвар Азимов бир неча орден ва медаллар, Ўзбекистон халқ ёзувчиси унвони билан тақдирланган.

Таниқли жамоат арбоби, ёзувчи ва олим Сарвар Азимовнинг хотираси қалбимизда узоқ яшайди.

**Бир гуруҳ ўртоқлари**

# НАШРГА КАФОЛАТ БОР — ЯХШИ АСАР КЕРАК

( Давоми. Боши 2-бетда )

тўпламларини, қиссаларни нашр этишдан бошлаш маъқул. Чунки бугунги ўзгаришлар ушбу кичик жанрдаги асарларда яққолроқ намоён бўлмоқда. Шунингдек, ижодкорларнинг энг яхши асарлари сайланмалар ҳолатида чоп этилса, бундан ҳам китобхонлар ютган бўларди.

Ҳозирги вақтда қоғоз тақчиллиги ҳақида кўп айтилмоқда. Тўғри, бунга ижодкорлар гувоҳ бўлиб туришибди. Лекин, очиғини айтганда, адабиётимиз учун қоғознинг сероб бўлган пайтини эслай олмайман. 80-йиллардаги тажрибадан келиб чиқиб бир нарсани айтай. Ўшанда қоғознинг 40 фойизидан ортиғи рус тилидан таржима қилинган асарларга сарфланарди. 30 фойиздан ошиғи рус тилидаги асарлар нашрига кетарди. Ўртача 28-30 фойиз қоғоз ўзбек адабиёти нашрларига бериларди.Ҳозир эса қоғознинг 75 фоизи ўзбек нашрларига сарфланмоқда. Қўмитанинг ўзбек ижодкорлари билан ҳамкорлиги ҳам ғоят ўринли.

Адабиётшунос олим Озод ШАРАФИДДИНОВ ўзи фаолият кўрсатаётган "Хазина" нашриёти ҳақида, унда нашр этилган асарлар тўғрисида, келгуси режалари хусусида гапирди. Ўзбек адабиёти нумуналарини кашф этиш борасида қўмита билан бу нашриёт ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш таклифини ўртага ташлади. У сўзида давом этиб бундай деди: "Давра суҳбатнинг мавзуси ғоят актуал. Лекин уни ўқиб кўнглимда бир ҳадик уйғонди. Сабаб шундаки, яқин ўтмишимизда адабиётимизда озмунча мавзулар, шиорлар ўртага ташланмади дейсиз. Уларнинг ҳаммаси долзарб эди. Бироқ бу долзарб мавзуларда сийқа, бир хил қолипдаги зерикарли асарлар пайдо бўларди. Қаҳрамонлар асосан ташаббускор, бошқаларга намуна бўладиган, ғоявий жиҳатдан чиниққан, ҳеч бир хато қилмайдиган инсонларга айланарди. Натижада долзарб мавзуда янги асар яратилардию, аммо унинг умри олти ойдан ошмасди. Мен истиқлол адабиёти ва унинг янги қаҳрамонлари қисмати ҳам ана шундай бўлиб қолмаслигини истайман.

Қолаверса, мустақиллик адабиёти деганда энди яратиладиган асарларнигина эмас, бу мавзуда ёзилган адабиётимиздаги энг яхши асарларнинг ҳаммасини тушунишимиз керак. Бошқачароқ айтганда, истиқлол йўлида хизмат қилган аввал яратилган асарлар ҳам нашр этилиши зарур. Шу билан бирга, кейинги уч-тўрт йилда нашриётлар папкасида чоп қилишга тайёрланган асарлар ҳам китоб ҳолида чиқарилса маданиятимизга ҳам иқтисодий ҳам маънавий фойда келтирган бўларди".

— Баъзан газета ва журналлар саҳифаларида ҳар хил йиғин анжуманларда "Мустақиллик адабиёти — янги адабиёт" деган сўзларни ўқиб ёки эшитиб қоласан. Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки вақт ўтиши ёки давр янгиланиши билан адабиёт янгидан пайдо бўлмайди. Адабиёт азалий, мангу. Аждодларимиз Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Абдулла Қодирий, Чўлпонлар бошлаб берган ва давом эттирган адабиёт анъаналарини биз ҳам давом эттирамиз. Унда фақат давр ўзгариши билан янги оқимлар, янги қаҳрамонлар, янгича ифода воситалари пайдо бўлиши мумкин холос.

Шунинг учун мустақиллик адабиёти ҳақида гап борганда фақат янги яратилган асарларни назарда тутиб, меросимизни рад қилиш йўлидан бормаслигимиз керак,— деб баҳсга қўшилди шоир Муҳаммад АЛИ.

Давра суҳбатда ижодкорлардан Ҳасан ТЎРАБЕКОВ кўрик-танловга энг яхши бадиий таржима асарларини ҳам киритиш тўғрисида таклиф қилди. Худойберди ТЎХТАБОЕВ бугунги кунда илмий-оммабоп асарлар нашрини кучайтириш зарурлигини таъкидлади. Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ, Раҳимжон ОТАЕВ кейинги йилларда яратилган асарлардаги қаҳрамонлар характерлари, Ўткир ҲОШИМОВ ва Муҳаммад САЛОМ янги яратилган асарлар хусусида мулоҳазалар билдирдилар. Собит МАДАЛИЕВ адабий-бадиий журналларга эътиборни кучайтириш, янги асарларнинг кўпроқ нашр этилишига йўл очиб бериш ҳақида тўхталди. Давра суҳбатни давлат Матбуот қўмитаси раиси Рустам ШОҒУЛОМОВ якунлади.

Йиғилишда "Истиқлол: янги давр ва янги қаҳрамон" кўрик-танловини ўтказиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди. Кўрик-танловнинг низоми ишлаб чиқилди. Уни ўтказишдан кўзда тутилган мақсад миллий тафаккур, истиқлол, мустақиллик ғояларининг бадиий адабиётдаги тўлақонли талқинини яратиш, республика адибларини шу йўналишда ижод қилишга даъват этиш ва кафолатли имкониятлар топиб беришдан иборат қилиб белгиланди.

**Камол МАТЁҚУБОВ**

# ҚЎҒИРЧОҚЛАР ДУНЁ КЕЗАДИ

Ўтган октябр ойи Республика қўғирчоқ театри учун унутилмас хорижий сафарларга анча бой бўлди. Театрнинг бир гуруҳ актёрлари 3-7 октябр кунлари Туркиянинг Бурса шаҳрида Соя театрлари иштирокида ўтказилган "Қоракўз" Халқаро фестивалида муваффақиятли қатнашдилар. Улар фестивалда "Буюк ипак йўлидаги карвонсарой" спектаклини турк тилида намойиш этдилар. Асарни турк тилига Акберт Борух таржима қилган. Саҳнани истеъдодли рассом Руслан Камолиддинов безаган. Асосан беш нафар актёр иштирок этадиган мазкур спектакл туркиялик томошабинларга жуда манзур бўлди. Бу ҳақда фестивал кунлари "Бурса" газетасида қизиқарли хабарлар, мақола ва суратлар мунтазам эълон қилинди.





Театрнинг яна бир гуруҳ санъаткорлари 10-20 октябр кунлари Покистоннинг Лоҳур шаҳрида ўтказилган II Халқаро қўғирчоқ театрлари фестивалида қизғин иштирок этдилар. Фестивал мамлакатнинг энг йириқ — Ал Ҳамро маданий марказида бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 42 мамлакатидан келган машҳур қўғирчоқ театрлари қатнашиб, турли мавзудаги ранг-баранг спектаклларини намойиш қилдилар. Ўзбекистонлик қўғирчоқ театри санъаткорлари драматург Н. Ҳабибуллаевнинг "Фотиманинг саргузаштлари" спектаклини урду тилида ижро этдилар. Спектаклга фестивалнинг махсус мукофоти берилди.

— Театр ижодий жамоасининг жаҳон фестивалларида қатнашиши анъанага айланиб боряпти, — дейди театр директори Ширин Каримова, — ўтган йиллар давомида Франция, АҚШ, Болгария, Бирма, Ҳиндистон, Германия сингари мамлакатларда ижодий сафарларда, фестивалларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритганмиз. Покистонда иккинчи марта бўлишимиз. Бизни фестивал президенти Фаизан Пирзода таклиф қилди. Лоҳурда ака-ука Пирзодаларнинг хусусий театри бор. Спектаклни урду тилида ўйнаганимиз учун покистонлик томошабинлар олқишлар билан кутиб олдилар. Билетлар топилмади. Спектаклнинг бу қадар муваффақият билан ижро этилишида Тошкент Давлат консерваторияси Шарқ мусиқашунослиги кафедраси катта ўқувчиси Зиёдулла Насуллаевнинг хизматлари жуда катта. У киши, аввало, таржимон сифатида асарнинг урду тилида жаранглашида жиддий ёрдам берди. Ва ҳар бир спектаклдан сўнг урду тилида чиройли қўшиқлар ижро этди. Ҳатто Исломободда бўлиб ўтган ҳунармандларнинг Биринчи Халқаро фестивалида ҳам Зиёдулла Насуллаев ижросидаги урдуча қўшиқ билан якунланган ўзбекистонликлар учун катта фахр.

Ширин опанинг гапларида жон бор. Покистонда бўлган ҳар иккила фестивалда ҳам ўзбекистонлик санъаткорлар фахрий ўринларни эгалладилар. Уларнинг энг сара чиқишлари мамлакат телевидениеси орқали бир неча бор намойиш этилди. Вақтли матбуотда кенг ёритилди. Бу ўзбек санъатининг жаҳон саҳналари бўйлаб парвоз этаётганлигини кўрсатади.

— Покистонда бўлган фестиваллар ҳар томонлама қизиқарли ўтди, — дейди Ўзбекистон делегацияси раҳбари, республика маданият ишлари вазири муовини Баҳодир Абдураҳимов, — турли мамлакатлардан келган турли соҳанинг ҳунармандлари, санъаткорлари ўз санъатларини намойиш этиш билан бирга, тажриба алмашдилар, келажакда ўзаро ижодий ҳамкорлик қилиш режаларини белгилаб олдилар. Маданий алоқаларни йўлга қўйиш имкониятлари очилди. Келгусида Ўзбекистонда ҳам шундай фестивалларни ўтказса бўлади, деб ўйлайман...

Хуллас, мустақиллик шарофати билан ўзбекистонлик ҳунармандлар, санъаткорлар халқаро фестивалларда қатнашиб, ўз маҳорат ва истеъдодларини намойиш этмоқдалар. Энг муҳими, дунё халқари Ўзбекистонинг санъати ва маданиятидан кенг хабардор бўлаётганлиги ҳаммамизни қувонтиради. Янада илҳом ва жасорат билан ижод қилиш чорлайди.

**А. ЖЎРАЕВ**



## УЛУҒБЕКНИНГ НУРЛИ СИЙМОСИ

Қизилтепа туман маданият, уйи ижодий жамоаси Мухтор Ашрафий номидаги мактаб, Сомий Бўстоний номидаги ўрта мактаб ўқувчилари билан ҳамкорликда "Улуғбекнинг нурли сиймоси" мавзусида тайёрланган театрлаштирилган томошани мухлислар ҳукмига ҳавола этдилар. Улуғ бобоколонимиз ҳаёти, авлодларга қолдирган улкан мероси, Мовароуннаҳр салтанатида тутган ўрни ҳақида ҳикоя қилувчи мазкур томошани Мансуржон Арслонов саҳналаштирган, Мақсуд Шайхзоданинг "Мирзо Улуғбек" фожиаси, Одил Ёқубовнинг "Улуғбек хазинаси" романларидан олинган саҳналар, Шойимжон Умаров раҳбарлигидаги "Оқ олтин", Гулнорахон Турсунова раҳбарлигидаги "Қора сочим" ансамбларининг мақом йўлида қуйилган ашулалари томошага файз киритди.

## ОЛИС ЮЛДУЗ ЁҒДУСИ

Хатирчи туман марказий кутубхонаси ва маданият уйи ижодий ходимлари Мирзо Улуғбек таваллудига бағишлаб "Олис юлдуз ёғдуси" деб номланган янги томошани саҳналаштирдилар. Ота-боболаримиз орзулари акс этган, уларнинг зиддиятларга тўла ҳаёти ўз аксини топган Мирзо Улуғбек тимсолидаги томошани мухлислар қизиқиш билан кутиб олдилар. Комилхон Дусаева сценарийси асосида Ортиқжон Аҳмедов саҳнага олиб чиққан мазкур томошада Зайнабхон Раҳимова, Суннат Бобоноров, Аҳмаджон Жўраев яратган образлар кўпчиликка манзур бўлмоқда.

## МУҲАББАТГА ТЎЛСИН БУ ОЛАМ

Ёшларга бағишланган ранг-баранг куй ва қўшиқлари билан Навоий вилоятида кўплаб мухлислар орттирган "Ак-тау" (Оқ тоғ) қозоқ ашула ва рақс халқ ансамбли "Муҳаббатга тўлсин бу олам" мавзуидаги янги мусиқий дастурини томошабинларга тақдим этдилар. Муҳаббат, ёшлик, севги ҳақидаги киши дилига хушнудлик бахш этувчи қўшиқлар эстрада шинавандалари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Дастурни ансамблнинг бадиий раҳбари Каримберди Абдукаримов саҳналаштирган.

## КАМАЛАКЛАР ЖИЛОСИ

Андижон вилоят болалар ва ёшлар ижодиёти маркази қошида фаолият кўрсатаётган "Истиқлол" рақс ансамблининг "Камалаклар жилоси" деб номланган рақслар гулдастаси мухлислар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Ансамблнинг бадиий раҳбари Рустамжон Исмоилов ва Гулчеҳра Исмоилова саҳналаштирган мазкур концерт томошасида ўзбек халқ рақслари билан бир қаторда ҳинд, афғон, араб ва тожик халқларининг ҳам мафтункор рақслари ўрин олган. Ансамбл иштирокчиларидан Дилором Ҳусанова, Муҳайё Ортиқова, Оҳиста Мадраҳимова, Наргизахон Икромова ижро этаётган жозибали рақслар барчага манзур бўлди.

## БОЛАЛАР АСКИЯ АЙТГАНДА

Асака шаҳар Беруний номидаги 7-ўрта мактаб қошида ташкил этилган "Аскиячи болалар" театр-студияси ижодий жамоаси "Болалар аския айтганда" деб номланган янги театрлаштирилган томошани мухлислар эътиборига ҳавола этдилар. Студиянинг бадиий раҳбари Жумавой Хуралиев томонидан саҳналаштирилган мазкур томоша "Боланинг тили ширин", "Аскиячи болалар", "Қувноқлар куйлаганда" каби турли кўринишлардан иборат.

## ЎЗБЕКИСТОН ОҲАНГЛАРИ

Андижон вилояти болалар ва ёшлар ижодиёти уйи қошида фаолият кўрсатаётган "Ўзбекистон оҳанглари" доирачилар ансамбли ижодий жамоаси "Даврани кенгроқ олинг" номли томошани намойиш этдилар. Рустамжон Исмоилов саҳналаштирган шўх-шодон доира оҳангларидан иборат бу дастурни мусиқа ихлосмандлари қизиқиш билан қарши олдилар.

**Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ**

# "ҚЎҚОН МИНОРИ" ДОРБОЗЛАРИ

Санъат — дунёдаги энг ноёб эзгуликлардан бири. Аскиябозлик, яллачилик, қўшиқчилик, карнай, сурнай, ноғорабозлик каби кўпгина санъат турлари ҳам халқ томошаларидаги гавжум давра — айнан дор ўйинларидан бошланган бўлса ажаб эмас. Зеро, кўҳна Шарқдаги дор томошалари, дорбозлик ўйинлари тарихи эрамиздан аввал Римда бунёд этилган амфитеатрлардан ҳам қадимроқ — тахминан бундан икки ярим минг йил муқаддам даврга бориб тарқалади.

... Дор остидаги масхарабозларнинг ҳазил-мутойибалари янгроқ карнай-сурнай ва ноғора садолари остида ёғочоёқ ва отўйинларга, катта дор томошаларига уланиб кетди. Дорбозларнинг ҳавозалар ўртасидаги "ҳайя—ҳайя" деб номланган оёқ ўйнатиб юришлари, икки-уч киши бир-бирининг елкасига мингашиб дорда юрадиган "Пирамида" ўйинлари, дор устида умбалоқ ошишлари, олд ва орқа томонга шамолдек елиб-югуришлари, оёққа пичоқ боғлаб югуришлари, лангарни ҳавода айлантиришлари сингари томошаларини мухлислар бир олам ҳаяжон билан кутиб олдилар.

Кўҳна ва навқирон Қўқон шаҳри — Ҳўқанди латиф фан, маданият, маърифат, санъат намояндалари макони бўлиш билан бирга, уста дорбозлар маскани ҳамдир. Яқин ўтмишда Усмонжон дорбоз, Назиржон Исмоилов, Мадаминжон Юсупов каби дорбозлар қўқонликларга маданий-хизмат кўрсатишган. Айни пайтда эса Қўқон шаҳар Муқимий номидаги маданият ва истироҳат боғи қошида уларнинг шогирдларидан иборат "Қўқон минори" деб номланган дорбозлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда. Гуруҳ раҳбари Аҳаджон Муродов, масхарабозлар Муҳаммаджон Муродов, Эгамназар Пирматов, полвон Ўктамжон Юсупов, сурнайчи Ҳабибулло Неъматов, дорбозлардан ака-ука Икромжон ва Исмоилжон Қўлдошевлар, Акромжон Тошболтаев, етти ёшли Мансуржон Неъматуллаев ва олти ёшли Бобуржон Алимқуловнинг санъат ва маҳоратларидан кўпгина байрам ва сайлларда томошабинлар баҳраманд бўлишмоқда.

Дорбозликнинг нақадар машаққатли ва мураккаб санъат эканлигини кўпчилик билади. Лекин дор тикиш ҳам ўзига хос бир санъатдир. Одатда дорлар шамол йўналишини ҳисобга олиб, кунботар томонга қаратиб қурилади. Акс ҳолда ёнбошдан эсган шамол дорбозни учириб кетиши ҳам ҳеч гап эмас. Ҳозир тикланаётган катта дорларнинг баландлиги 14 метр, сим дорларнинг бўйи эса 5 метрга етади.

"Қўқон минори" гуруҳининг дорбоз ва масхарабозлари ўтган йиллар давомида катта муваффақиятларга эришдилар. Улар 1990 йил Тошкентда ўтказилган жумҳурият дорбозлари кўригида, 1992 йил Чимкентда бўлиб ўтган "Кулги ярмаркаси"да, атоқли сўз устаси Ижроқўмбува (Турсунбува) Аминов таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Қўқонда ўтказилган аскиячилар танловида ғолиб чиқишган. Айни пайтда улар навбатдаги жумҳурият дорбозлари кўригига қизғин ҳозирлик кўришмоқда.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ҳайъатининг қарорига кўра, қўқонлик дорбозларнинг кўп йиллик меҳнатлари муносиб тақдирланиб, "Қўқон минори" гуруҳига "Халқ бадиий ҳаваскорлик жамоаси" унвони берилди.

Гуруҳ раҳбари Аҳаджон Муродов билан узоқ вақт суҳбатлашдик. Ҳозир барча соҳаларда бўлгани каби бу гуруҳнинг ҳам талайгина муаммолари борлиги аён бўлди. Ҳатто баъзан оддий автобуснинг носозлиги туфайли жумҳуриятимиз бўйлаб ижодий сафарга чиқишнинг ҳам имкони бўлмай қолаётган экан. Ноёб ҳунар соҳиби бўлган дорбозларимиз учун янада етарли шарт-шароит яратиб, алоҳида моддий-техника асосини ҳозирлаб қўйсак, жуда яхши бўларди. Шундагина бу қадимий санъатимизни жумҳуриятимиз меҳмонлари ва қардошларимизга тағин ҳам яққолроқ намойиш этиш имкони туғиларди.

Солномаларга ва қомусларга назар ташласак, ёруғ дунёнинг саноқли мамлакатларидагина дорбозлик санъати мавжуд экан. Умид қиламизки, яқин келажакда "Қўқон минори" дорбозлари жонажон Ўзбекистонимиз довруғини дунёга ёйишса ажаб эмас.

**Абдумалик ИСОМИДДИНОВ**

### БИЛДИРИШ

1994 йил, 17 ноябр соат 15 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида (Ж. Неру кўчаси, 1-уй) буюк озарбайжон шоири ФУЗУЛИЙ таваллуд топган куннинг 500 йиллигига бағишланган мушоара ўтказилади.

Мушоарани шоирлар Миразиз АЪЗАМ ва Маъруф ЖАЛИЛ бошқарадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ КОТИБИЯТИ**

*ЯНГИ КИТОБЛАР*

## Маҳалла меҳри

"Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир, халқимизнинг энг сара анъаналари, урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват, тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлмоқда", — деган эди юртбошимиз Ислом Каримов ўз суҳбатларининг бирида. Ҳа, кейинги пайтларда маҳаллалар ҳаётига эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, қизиқиш ортаётгани бежиз эмас. Зеро, маҳалла — мамлакатнинг ишончли бўғини, чинакам устуни, пойдеворидир. Тарих фанлари номзоди Шавкат Миролимовнинг "Маҳалла меҳри" деб номланган рисоласи худди шу долзарб мавзуга — маҳаллалар ҳаёти, уларда уюштирилаётган ибратли тадбирлар, ташкилий-тарғибий ишлар, маҳалла ҳаракати жонкуярлари, фидойи инсонларга бағишлаган. Қаламга олинган мавзуларнинг чуқур ва ишонарли ёритилгани, таҳлил қилингани ҳам бежиз эмас. Рисолага Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов сўз боши ёзган. Китобчани "Наврўз" нашриёти илмий-оммабоп нашрлар сирасида 5000 нусхада чоп қилган.

